«Ўзкимёсаноат» АЖда Халқаро коррупцияга қарши курашиш кунига бағишланган «Очиқ эшиклар куни» ўтказилди

// 09 dekabr 2025 йил
https://special.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/uzkimyosanoat-azhda-halqaro-korrupciyaga-qarshi-kurashish-ku



9 декабрь – Халқаро коррупцияга қарши курашиш куни муносабати билан «Ўзкимёсаноат» акциядорлик жамиятида «Очиқ эшиклар куни» тадбири ташкил этилди.

Ушбу тадбир жамият фаолияти очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, аҳолини соҳага оид янгиликлар билан таништириш, шунингдек, коррупцияга қарши кураш соҳасида амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини янада ошириш мақсадида ўтказилди.



Тадбирда оммавий ахборот воситалари ходимлари, Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг масъул мутахассислари, олий ўқув юртларида таълим олаётган ёшлар иштирок этишди.

Уларга жамият ва тармоқ корхоналарининг асосий вазифалари, ишлаб чиқариш имкониятлари, амалга оширилаётган ислоҳотлар ва ривожлантириш стратегияси ҳақида атрофлича маълумотлар тақдим этилди.



Жумладан, тадбир давомида «Ўзкимёсаноат» АЖнинг коррупцияга қарши курашиш йўналишида олиб бораётган ишлари, ички назорат тизими, хавфларни баҳолаш механизмлари, ходимлар учун ўтказиладиган ўқув-семинарлар ва профилактик чора-тадбирлар ҳақида ҳам батафсил сўзлаб берилди.



Шунингдек, жорий йилда «Ўзкимёсаноат» АЖ ва унинг таркибига кирувчи корхоналар «Махам-Чирчиқ» АЖ ва «Ўзкимёимпэкс» МЧЖлар «Cert International» Академияси томонидан аудитдан қайта ўтказилиб, яна ISO 37001:2016 халқаро сертификатига муносиб деб топилди.

Тадбир иштирокчилари коррупциянинг нафақат мамлакат тараққиёти, балки ҳар бир фуқаро хавфсизлиги, жамоадаги психологик муҳит ва меҳнат интизомига таъсири ҳақида ҳам батафсил маълумот олишди.



Учрашув якунида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилиш имкониятига эга бўлдилар. Мутахассислар томонидан барча саволларга атрофлича ва асосли жавоблар берилди.




"MANFAATLAR TO'QNASHUVI TO'G'RISIDA"GI QONUN
Qonunning maqsadi:
Manfaatlar to'qnashuvi bilan bog'liq munosabatlarni tartibga solishdan iborat
Qonunning amal qilish sohasi:
davlat organlari va mahalliy davlat hokimiyati organlari, davlat muassalari;
davlat unitar korxonalari;
o'z ustav fondida (ustav kapitalida) davlat tashkilotlarning ulushi jami 50 foiz miqdorda va undan ortiq bo'lgan yuridik shaxslar (davlat xaridlari sohasidagi munosabatlari).






TO'RTIN
Xodimlar
kurashishga
xabardorligi h
ko'nikma
tadbirlarn